

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**

173 Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида услубий кўрсатмаларни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил
9 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2352*

(2012 йил 19 апрелдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 1-2-сон, 8-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ-1602-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 14 февралдаги 62-сон қарори билан тасдиқланган Вазирлар Маҳкамасининг Регламентига (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 2005 й., 2-сон, 8-модда) мувофиқ ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида **буюраман:**

1. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида услубий кўрсатмалар иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси (О. Ҳақимов) Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Жиноий, маъмурий ва ижтимоий қонунчилик бошқармаси (Н. Той-

чиев), Иқтисодий қонунчилик бошқармаси (А. Шодибоев) ва Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси (С. Нуриев) ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ўн кун муддат ичида барча манфаатдор шахсларга етказилиши ва «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Е. Канъязов зиммасига юклансин.

Вазир

Н. ЙЎЛДОШЕВ

Тошкент ш.,
2012 йил 9 апрель,
83-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2012 йил 9 апрелдаги
83-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида
УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР**

I боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Услубий кўрсатмалар Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 1-2-сон, 8-модда), «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, 10-сон, 537-модда) қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ-1602-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 14 февралдаги 62-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларининг тўплами, 2005 й., 2-сон, 8-модда) билан тасдиқланган Вазирлар Маҳкамаси Регламентига (кейинги ўрин-

ларда Вазирлар Маҳкамаси Регламенти деб юритилади) мувофиқ давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини (кейинги ўринларда лойиҳалар деб юритилади) тайёрлаш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Қонун лойиҳаларини юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2010 йил 30 декабрдаги 237–II, 150–II-сон қўшма қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 й., 1-сон, 15-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиладиган қонун лойиҳаларини ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига тақдим этилган қонунларни юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

II боб. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига лойиҳаларни киритиш ваколатига эга бўлган органлар

3. Вазирлар Маҳкамасининг Регламентига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқиш учун масалалар Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, истисно ҳолларда эса уларнинг биринчи ўринбосарлари томонидан (кейинги ўринларда ишлаб чиқувчилар деб юритилади) киритилиши мумкин.

Бир нечта ишлаб чиқувчилар томонидан биргаликда ишлаб чиқилган лойиҳалар, лойиҳани ишлаб чиқиш ташаббуси билан чиққан ишлаб чиқувчининг биринчи раҳбари томонидан киритилади.

Қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш, шунингдек улар бажарилиши мониторинги дастурлари (кейинги ўринларда қонун лойиҳаларига доир ишлар дастури деб юритилади), Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қонун лойиҳаларига доир ишлар дастури ва режалари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси топшириқлари ижроси юзасидан бир нечта ишлаб чиқувчилар томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа, топшириқда биринчи бўлиб кўрсатилган ишлаб чиқувчи томонидан киритилади.

4. Давлат ва хўжалик бошқаруви органларига бўйсунувчи ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган лойиҳалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ушбу ташкилотларнинг юқори турувчи органлари томонидан киритилади. Туман (шаҳар) ҳокимлари, шунингдек мустақил ташкилотлар (бевосита уларнинг фаолиятига тааллуқли масалалар бўйича) томонидан

ишлаб чиқилган лойиҳалар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан киритилади.

III боб. Лойиҳаларни тайёрлашни ташкиллаштириш

5. Ишлаб чиқувчилар лойиҳаларни, қонун лойиҳаларига доир ишлар дастури, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қонун лойиҳаларига доир ишлар дастури ва режалари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг топшириқлари ижроси юзасидан, шунингдек ўз ташаббуслари билан тайёрлайдилар ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритадилар.

6. Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни 16-моддасига мувофиқ лойиҳани тайёрлашда лойиҳани ишлаб чиқувчи орган:

лоyiҳа мавзусига доир қонун ҳужжатларининг қўлланилиши амалиёти-ни ўрғанади ва ҳисобга олади, ҳуқуқий тартибга солишга бўлган жамоатчи-лик эҳтиёжини, қонун ҳужжатларининг самарадорлигига таъсир этувчи сабаблар ва шароитларни аниқлайди;

давлат органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, кор-хоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмалари, шунингдек фуқароларнинг таклифларини, оммавий ахборот воситаларининг материал-ларини, илмий муассасалар, олимлар ва мутахассисларнинг тавсияларини, жамоатчилик фикрини аниқлашнинг бошқа воситалари маълумотларини умумлаштиради ва улардан фойдаланади;

бошқа давлатлардаги қонунчилик йўли билан тартибга солиш тажриба-сини ҳисобга олади.

7. Лойиҳани ишлаб чиқувчи орган, ишлаб чиқилаётган лойиҳанинг ту-рини белгилаши лозим. Бунда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қиладиган орган ваколати ва Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни 8, 10 ва 11-моддалари, Ўзбекистон Респуб-ликсининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 9-10-сон, 138-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 4 февралдаги Ф-2118-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳ-камасининг қарорлари ва фармойишларини тайёрлаш, кўриб чиқиш ва имзо-лаш тартиби тўғрисида»ги фармойиши талабларига эътибор қаратиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг норматив хусуси-ятга эга бўлган ёки муҳим аҳамият касб этувчи ҳужжатлари лойиҳалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари лойиҳалари кўринишида тайёрланади, тезкор ва бошқа жорий масалалар бўйича қарор-лари эса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойиш-лари лойиҳалари кўринишида тайёрланади.

8. Лойиҳани ишлаб чиқиш жараёнида, унинг амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзаро нисбати ўрганилади. Ишлаб чиқиладиган лойиҳа бошқа ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни ёхуд уларни ўз кучини йўқотган деб топишни талаб этган тақдирда, ушбу ўзгартириш ва қўшимчалар, шунингдек уларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги таклифлар тайёрланаётган ҳужжат лойиҳасига киритилади ёки у билан айти бир вақтда алоҳида ҳужжат лойиҳаси кўринишида киритилади. Бунда, шунингдек тегишли таққослаш жадвали тайёрланади.

9. Лойиҳани тайёрлаш бевосита ишлаб чиқувчи томонидан амалга оширилади. Ишлаб чиқувчининг қарорига кўра ишчи гуруҳ (комиссия) тузилиши мумкин. Ишчи гуруҳнинг (комиссияси) таркибига ишлаб чиқувчининг юридик хизмати ва бошқа таркибий бўлинмалари, вазирликлар, давлат қўмиталари ёки идораларнинг тегишли тармоқлар ҳолати ва ривожланиши учун масъул бўлган ходимлари, бошқа манфаатдор давлат органлари, илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари, шунингдек фуқаролар киритилиши мумкин. Бунда нодавлат ташкилотларнинг вакиллари, шунингдек фуқаролар ишчи гуруҳ (комиссияси) таркибига уларнинг розилиги билан киритилади.

Лойиҳани тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳнинг таркибига киритилаётган шахслар лойиҳа тайёрлаш учун зарур бўлган тегишли билим ва тажрибага эга бўлишлари лозим.

10. Қонун лойиҳаларига доир ишлар дастури, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қонун лойиҳаларига доир ишлар дастурлари ва режалари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг топшириқлари ижроси юзасидан ишлаб чиқиладиган лойиҳанинг ҳуқуқий тартибга солиш предмети билан фаолияти у ёки бу жиҳатдан боғлиқ бўлган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ишлаб чиқувчининг мурожаати бўйича лойиҳани тайёрлашда ўзининг мутасадди вакили иштирокини таъминлаши шарт.

Ишлаб чиқувчи лойиҳани тайёрлашда белгиланган тартибда олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларини, нодавлат нотижорат ва бошқа ташкилотларни, шунингдек мустақил экспертларни жалб қилишга ҳақли.

11. Ишлаб чиқувчи зарур бўлганда ўз ваколати доирасида лойиҳани тайёрлашни давлат органларига, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларга, алоҳида фуқароларга белгиланган тартибда топшириши ёки уларга шартнома асосида буюртма бериши мумкин.

12. Қонун лойиҳаларига доир ишлар дастури, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қонун лойиҳаларига доир ишлар дастурлари ва режалари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг топшириқлари ижроси юзасидан тайёрланаётган лойиҳалар, қоида тарикасида, ушбу топшириқлар доирасида амалга оширилиши лозим.

13. Лойиҳа тайёрланишини ташкил қилиш учун ишлаб чиқувчи томонидан лойиҳани тайёрлаш ва киритиш бўйича иш режаси тасдиқланади.

Иш режасида лойиҳани тайёрлаш босқичлари, лойиҳани тайёрлаш ва киритиш муддатлари, ишчи гуруҳи (комиссия) ташкил этилганда — ишчи гуруҳи (комиссия) аъзоларининг функциялари белгиланади.

14. Ишчи гуруҳи (комиссия) фаолиятини таъминлаш учун ишлаб чиқувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан лойиҳани тайёрлаш учун зарур бўлган материаллар, статистик ва бошқа маълумотларни олишга, шунингдек тайёрланаётган лойиҳа юзасидан экспертларнинг маслаҳатлари, тавсиялари ва хулосаларини олишга ҳақли.

15. Ишлаб чиқувчи, ишчи гуруҳ (комиссия) қонуннинг концепциясини тайёрлаш учун тадқиқотлар олиб боради. Ишлаб чиқувчи, ишчи гуруҳ (комиссияси) тадқиқотларни олиб боришда:

лоyiҳанинг ҳуқуқий тартибга солиш предметига тааллуқли бўлган статистик, таҳлилий, ахборот материалларни тўплайди;

лоyiҳа предмети билан ўхшаш муносабатларни тартибга солувчи, шунингдек бошқа муносабатларни худди шундай тартибга солишни белгиловчи қонунчиликни ўрганади;

фаолияти лойиҳанинг ҳуқуқий тартибга солиш предмети билан у ёки бу жиҳатдан боғлиқ бўлган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фикрини сўрайди;

лоyiҳанинг предмети юзасидан ҳуқуқий тартибга солишнинг хориж тажрибаси ҳақида ўрганилган материаллар матнини илова қилган ҳолда таққослама жадвални тайёрлайди;

зарурат бўлганда лойиҳанинг предметига тааллуқли ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш зарурлиги бўйича жамоатчилик фикрини, шунингдек илмий муассасаларнинг, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ва бошқа ташкилотларнинг лойиҳа предмети ҳақидаги фикрларини ўрганади ва натижалари бўйича маълумотнома, жадваллар, диаграммалар ва бошқа ахборот материаллари тайёрлайди.

16. Тадқиқотлар натижаси бўйича ишлаб чиқувчи, ишчи гуруҳ (комиссия) томонидан қонуннинг концепцияси, шунингдек зарурат бўлганда маълумотномалар, жадваллар, диаграммалар ва бошқа ахборот материаллари тайёрланади.

Қонуннинг концепциясини ишлаб чиқишга концепцияни тайёрлаш учун зарур бўлган тегишли билим ва тажрибага эга бўлган юқори малакали мутахассислар ва экспертлар жалб қилиниши мумкин.

17. Қонун концепциясида қуйидагилар акс эттирилиши лозим:

ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг асосий ғояси, мақсади ва предмети;

тегишли ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг умумий тавсифи ва ҳолатига берилган баҳо;

қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш зарурияти асослари;

қонун лойиҳасининг асосий қоидалари;

бўлғуси қонуннинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа оқибатлари тахмини.

Конуннинг концепциясини ишлаб чиқувчи бошқа зарур маълумотларни кўрсатишга ҳақли.

Агар қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш топшириғида ўзгача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, тайёрланган қонун лойиҳасининг концепцияси ишлаб чиқувчи томонидан маъқулланади.

IV боб. Қонуности ҳужжатлари лойиҳаларининг матни ва тузилмасига бўлган умумий талаблар

18. Лойиҳанинг матни лўнда, оддий ва раён тилда баён этилган бўлиши лозим. Лойиҳанинг матни турлича шарҳлаш ва талқин қилинишларга олиб келмаслиги керак. Лойиҳанинг жумлалари расмий тил услубидан ва юридик атамашуносликдан фойдаланилган ҳолда умумэтироф этилган грамматик, орфографик ва пунктуация қоидалари асосида тузилади.

19. Лойиҳада фойдаланиладиган тушунчалар ва атамалар қонун ҳужжатларида қабул қилинган мазмунига мувофиқ, турлича шарҳлаш имкониятини истисно этадиган ҳолда бир хилда қўлланилади.

20. Лойиҳада қуйидагиларнинг қўлланилишига йўл қўйилмайди:

оғзаки нутқ шакллари;

хорижий тилларнинг атамалари, давлат тилида тенг маъноли сўзлар ва тушунчалар бўлган тақдирда;

эскирган ҳамда кўп маънони англатадиган сўзлар ва иборалар, мажозий таққослашлар, сифатлашлар, киноялар;

аббревиатура ва қисқартмалар (умумий қабул қилинган аббревиатура ва қисқартмалар, шунингдек қонуности ҳужжатларининг иловаларидаги ташкилотларнинг қисқартирилган номлари бундан мустасно).

21. Лойиҳада қонунчиликда мавжуд бўлмаган тушунча ва атамалар, шунингдек техникавий ва бошқа махсус атамалардан фойдаланилганда, уларнинг таърифи берилди. Қонунчилик амалиётига мувофиқ умумқўлланиладиган тушунчаларга таъриф бериш талаб этилмайди.

22. Тушунча ёки атаманинг таърифи унинг мазмунини тўлиқ очиқ бериши керак. Тушунча ёки атамани айнан шу тушунча ёки атама билан, шунингдек ўзлари таърифланишга муҳтож бўлган бошқа тушунча ва атамалар орқали таърифлашга йўл қўйилмайди.

23. Лойиҳада кўп маротаба қўлланилган уч ва ундан ортиқ тушунчага таъриф бериш зарурати бўлганда, улар алоҳида бандда ва лойиҳа матнининг бошида келтирилади.

24. Сўз бирикмалари бир неча маротаба қўлланилган тақдирда, улар биринчи бор қайси бандда қўлланилган бўлса (кичик бандда, хатбошида) ўша бандда тўлиқ таҳрирда баён қилинади ва мазкур тушунчанинг лойиҳанинг кейинги ўринларида қўлланиладиган қисқартирилган таърифи қавс ичида бош келишида кўрсатилади.

25. Лойиҳада қоида тариқасида, худди шундай юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг норматив кўрсатмалари қайта такрорланмайди.

Зарур ҳолларда лойиҳада юқориқ юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг айрим қоидалари мазкур ҳужжатларга ҳавола қилинган ҳолда акс эттирилади.

26. Лойиҳа матнида қонун ҳужжатларига бўлган ҳаволалар норматив кўрсатмаларнинг ўзаро боғлиқлигини кўрсатиш зарурати бўлган ҳолларда ёки такрорлашларга йўл қўймаслик учун киритилади.

Ҳар бир ҳавола лойиҳа бўйича тайёрланаётган тушунтириш хатида норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг реквизитлари, унинг ҳавола қилинаётган тузилмавий бирликлари кўрсатилган ҳолда, асослангирилиши лозим.

Лойиҳада қуйи юридик кучга эга бўлган аниқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳавола қилинишга йўл қўйилмайди.

27. Қонунчиликда мавжуд бўлмаган юқориқ юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатга ҳавола қилинишга йўл қўйилмайди.

Қонунчиликда мавжуд бўлмаган қуйи юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатга ҳавола фақатгина ҳавола қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг маълум бир муддатда ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши тайёрланаётган лойиҳада ёки қонунчиликда тегишли ишлаб чиқувчиларга топширилган тақдирдагина қилиниши мумкин. Бунда тушунтириш хатида мазкур ҳаволага бўлган зарурат тайёрланиши ва қабул қилиниши керак бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг рўйхати келтирилган ҳолда батафсил асослангирилиши шарт.

28. Қонунчилик мажмуига ёки ўрнатилган тартибга ҳавола қилинган ҳолда, лойиҳанинг тушунтириш хатига тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати илова қилинади.

29. Лойиҳанинг тузилиши, лойиҳани ҳуқуқий тартибга солиш предмети мантиқан ривожланиб бориши ва ёритилишини таъминлаши лозим.

30. Ҳар бир ишлаб чиқилаётган лойиҳа номга эга бўлиши лозим. Унинг номи қисқа, аниқ баён этилиши ва мазмунини ўзида акс эттириши лозим.

31. Лойиҳа уни қабул қилиш мақсадлари ва сабабларини тушунтиришдан иборат бўлган, лойиҳанинг бошланишида жойлаштириладиган муқаддимага эга бўлиши мумкин.

Лойиҳанинг муқаддимаси унинг мазмунини мантиқий ривожлантирувчи бир нечта хатбошиларда баён этилиши мумкин ва мустақил норматив кўрсатмаларни ўз ичига олмаслиги, бандларга бўлинмаслиги ва рақамланмаслиги керак.

32. Лойиҳанинг муқаддимасида қонун ҳужжати асосида, ижроси юзасидан ёки ривожланиши бўйича тайёрланаётган тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат (зарур бўлганда унинг тузилмавий бирлиги) кўрсатилади.

33. Лойиҳада норматив кўрсатмалар араб рақамларида белгиланиб, нуқта қўйилган бандлар кўринишида баён қилинади ва сарлавҳага эга бўлмайди.

Бандлар лойиҳанинг бошидан охиригача кетма-кет рақамланади.

Лойиҳанинг норматив кўрсатмаларини иккитали рақамлашга йўл қўйилмайди (масалан, «1.1», «5.1.1», «1.а» ва х. к.).

34. Лойиҳанинг ҳар бир банди, қоида тариқасида, битта норматив-ҳуқуқий кўрсатмага эга бўлиши лозим. Лойиҳанинг ҳар бир мустақил банди тўлиқ ва тугалланган мазмунга эга бўлиши керак.

Лойиҳанинг қарор қисмида энг муҳим бўлган норматив кўрсатмалар киритилади.

35. Бандлар кичик бандлар ва хатбошиларга бўлиниши мумкин.

36. Кичик бандлар доирасимон қавс билан беркитиладиган араб рақамлари ёки кичик ҳарфлар билан белгиланади (масалан, 1), 2), 3) ёки а), б), в) ва шу кабилар). Лойиҳа қандай тилда тайёрланаётган бўлса, ҳарфлар ушбу тил алифбоси бўйича кетма-кетликда баён қилиниши лозим.

37. Кичик бандлар фақатгина хатбошиларга бўлиниши мумкин.

Хатбошилар бошланишида дефис ёки бошқа белгиларни ишлатишга йўл қўйилмайди.

38. Лойиҳанинг бандида бир вақтнинг ўзида кичик бандларни ва мустақил хатбошиларнинг баён этилишига йўл қўйилмайди.

39. Лойиҳага низомлар, қоидалар, регламентлар, талаблар, турли хил рўйхатлар, жадваллар, графиклар, тарифлар, хариталар, схемалар, тузилмалар, ҳужжатларнинг, бланкаларнинг намуналари, шунингдек тавсиявий ҳусусиятдаги ҳужжатлар (намунавий низомлар, уставлар, шартномалар, услубий тавсиялар ва бошқалар) илова қилиниши мумкин.

40. Лойиҳанинг қарор қисмидаги бандлари (кичик бандлар, хатбошилар) билан мазкур Услубий кўрсатмаларнинг 39-бандида кўрсатилган ҳужжатларни тасдиқлаш ёки маъқуллаш назарда тутилган бўлса, лойиҳанинг тегишли тузилмавий бирлиги ва у томонидан тасдиқланаётган (маъқулланаётган) ҳужжатнинг номи бир-бирига мос равишда баён этилиши лозим.

41. Иловаларнинг ва улар тааллуқли бўлган ҳужжатнинг нормалари бир хил юридик кучга эга.

42. Тушунчаларнинг таърифи, белгиланаётган нормаларни амалга ошириш механизмлари лойиҳанинг таркибий қисми ҳисобланувчи иловаларда, қоида тариқасида, низом ва қоидалар шаклида баён этилади.

Низомларнинг асосий мазмуни умумий белгилар асосида бирлаштирилган муносабатлар мажмуини тартибга солишга қаратилган ўзаро тизимли боғланган қоидаларни ўрнатишдан иборат.

Қоидаларнинг асосий мазмуни аниқ муносабатларни тартибга солишга қаратилган алоҳида ҳуқуқий нормаларни ўрнатишдан иборат.

43. Бўлимлардан иборат бўлган иловалар изчил кетма-кетликда рақамланган бандларга эга бўлади. Бўлим рим рақамлари билан белгиланадиган тартиб рақамига ва номига эга бўлади.

44. Тайёрланган лойиҳа грамматик, орфографик ва пунктуация қоидаларига мувофиқлиги юзасидан текширилади.

Лойиҳанинг матнида ўчириш ва тузатишларга йўл қўйилмайди.

V боб. Қонуности ҳужжатларининг лойиҳаларини расмийлаштириш

45. Лойиҳанинг матни А4 форматдаги қоғоз varaғининг бир томонида масштаб кичрайтирилмаган ҳолда жойлашиши лозим.

46. Агар лойиҳа икки ёки ундан ортиқ varaғда баён этилган бўлса, лойиҳа ва унинг иловаларининг ҳар бир varaғи алоҳида рақамланиши лозим. Бетнинг тартиб рақами varaғнинг пастки ўнг бурчагида 2 рақамидан бошлаб ёзилади. Биринчи бетида 1 рақами қўйилмайди.

47. Лойиҳалар тайёрланишида, қоида тариқасида, Microsoft Word редакторидан ва қуйидаги параметрлардан фойдаланилади:

varaғнинг чап хошияси 3 см, ўнг хошияси 1,5 см, юқори ва паст хошияси 2 см;

«Times New Roman» шрифти ва лойиҳанинг ҳажмидан келиб чиқиб 13, 13,5 ва 14 ўлчамли шрифт;

биринчи қатор хатбошиси 1,27 см;

қаторлараро интервал (множитель) 1.2.

48. Лойиҳанинг биринчи бети юқори қисмининг ўнг томонида «ЛОЙИҲА» сўзи қўйилади, унинг ҳажми матн шрифти билан айнан бир хил бўлиши лозим.

49. Лойиҳа турининг матни катта ҳарфлар билан, маттни марказга тўғрилаган ҳолда, «тўқ» шрифтда, қаторлараро бирлик интервалда ва хатбошисиз расмийлаштирилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, қарори ва фармойиши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси тури икки қаторда ифодаланади.

50. Лойиҳанинг номи кичик ҳарфларда, «тўқ» шрифтда, матн марказга тўғриланган ҳолда, қавсларсиз, қаторлараро бирлик интервалда ва хатбошисиз ёзилади.

51. Лойиҳа матнининг ҳар бир қаторида сўзлар кўчирилмасдан тугалланган бўлиши лозим. Лойиҳанинг ҳар бир қатори охирида, олд кўмакчилар, боғловчилар, «№» белгиси, сонлар қисми, аббревиатуралар ва бошқаларнинг қолдирилиши тавсия этилмайди.

52. Тайёрланаётган лойиҳанинг матни грамматик, пунктуацион, орфографик ва стилистик хатоларсиз баён этилиши лозим.

53. Илова белгиси 12 ўлчамли шрифтда саҳифанинг юқори ўнг бурчагида жойлаштирилади ҳамда унда, илованинг рақами (агар бир нечта иловалар мавжуд бўлса), илова қилинаётган лойиҳа тури кўрсатилган ҳолда ҳужжат рақами ва санаси кўрсатиладиган бўш жой қолдирилади.

54. Лойиҳа иловасининг номи кичик ҳарфларда, «тўқ» шрифтда, матн марказга тўғриланган ҳолда, қавсларсиз, қаторлараро бирлик интервалда ва хатбошисиз ёзилади.

VI боб. Қонуности ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек уларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги лойиҳаларни тайёрлашнинг хусусиятлари

55. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги лойиҳа қоида тарикасида қуйидаги ҳолларда тайёрланади:

қонунчиликни янги қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан мувофиқлаштириш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари талабларини бажариш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг топшириқлари ижросини бажариш учун;

агар ишлаб чиқиладиган лойиҳа бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни, шунингдек уларни ўз кучини йўқотган деб топишни талаб этса;

лойиҳани тайёрлаш жараёнида, худди шундай муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат борлиги аниқланганда ва янги ҳужжат қабул қилмасдан ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш йўли билан ҳуқуқий тартибга солиш имконияти бўлганда;

айнан бир хил масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қўплигини ва аниқланган норматив кўрсатмаларнинг зидлигини бартараф этиш учун.

56. Мазкур Методик кўрсатмаларнинг 55-банди иккинчи хатбошисида назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги лойиҳа, топшириқ берилган орган томонидан тайёрланади.

57. Тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек уларни ўз кучини йўқотган деб топиш тенг юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан амалга оширилади.

58. Тайёрланаётган лойиҳа у билан тенг юридик кучга эга бўлган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёхуд уларни ўз кучини йўқотган деб топишни талаб этса, ушбу ўзгартириш ва қўшимчалар, шунингдек ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги таклифлар тайёрланаётган лойиҳага киритилади ёки у билан айни бир вақтда алоҳида лойиҳа кўринишида киритилади.

59. Агар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек уларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги нормаларни ўз ичига олган лойиҳада, ушбу нормалар икки ёки ундан ортиқ бандни ташкил этса ва ҳажми катта бўлса, улар лойиҳага илова (иловалар) кўринишида тайёрланади.

60. Ўзгартиришларга қуйидагилар киради:

сўзлар, рақамлар, позициялар, блоклар ва графаларни алмаштириш;

бўлимлар, кичик бўлимлар, боблар, параграфлар, бандлар, кичик бандлар, иловаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ёки хатбошилар, сўзлар, рақамлар, позицияларни, блоклар ва графаларни чиқариб ташлаш;

бўлимларни, кичик бўлимларни, бобларни, параграфларни, бандларни, кичик бандларни, хатбошилар ва иловаларни, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг номини янги таҳрирда баён этиш.

61. Қўшимчалар қуйидагилардан иборат:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тузилмавий бирлигининг янги сўзлар, рақамлар ёки жумлалар билан тўлдирилиши;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тузилмавий бирликлар (бўлим, кичик бўлим, боб, параграф, илова, банд, кичик банд ва хатбоши) билан тўлдирилиши.

62. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи лойиҳалар матни қуйидагиларга бўлинади:

нукта қўйиладиган арабча рақамлар билан рақамланадиган бандлар;

қавс билан кичик ҳарфларда рақамланадиган кичик бандлар;

хатбошилар.

63. Агар лойиҳанинг банди билан тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатга фақатгина битта ўзгартириш ёки қўшимча киритиш назарда тутилган бўлса, унда кичик бандлар ишлатилмайди.

64. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишда унинг бўлимлари, бандлари ва кичик бандларининг рақамланиши ёки ҳарфлар орқали рақамланиши ўзгармайди.

Агар норматив-ҳуқуқий ҳужжат янги тузилмавий бирликлар билан тўлдириладиган бўлса, унда уларни асосий рақам ёки ҳарф белгилари тепасига қўйиладиган қўшимча рақамлар билан белгилаш лозим (масалан, 5¹-боб, 2¹-банд, «в¹» кичик банди ва ҳ. к.).

65. Агар тегишли қўшимчалар лойиҳанинг тузилмавий бирлиги (бўлим, кичик бўлим, боб ёки банд) охирига киритиладиган бўлса, унда мавжуд рақамланиш давом этади (масалан, агар бўлимнинг охириги банди 5-банд бўлиб ҳисобланса, бўлим 6-банд билан тўлдирилади, агар банднинг охириги банди «в» кичик банд ҳисобланса, унда «г» кичик банд билан тўлдирилади).

66. Банд ёки кичик бандга янги хатбоши қўшилаётганда, мазкур банд ёки кичик банднинг кейинги хатбошилари рақамланиши тегишли тартибда ўзгаради.

67. Агар лойиҳада бир вақтнинг ўзида бир нечта норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ёки уларнинг тегишли тузилмавий бирликларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритишни, шунингдек ўз кучини йўқотган деб топишни назарда тутаётган бўлса, унда мазкур ҳужжатлар хронологик тартибда жойлаштирилади (уларни қабул қилиш санаси бўйича). Айнан битта санада қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар улар рақамларининг ортиб бориши тартибда жойлаштирилади.

68. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганда мазкур ҳужжатнинг тури, қабул қилиш санаси, рақами, номи ва эълон қилинган тегишли расмий манбаси кўрсатилади.

69. Агар тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг иловасига, хусусан Низом, Қоидалар ёки Регламентга киритилаётган бўлса, унда лойиҳада тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг номи келтирилмасдан, у билан тасдиқланган Низом, Қоидалар ёки Регламентнинг номи кўрсатилади (масалан, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сон қарори билан тасдиқланган Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин).

70. Ўзгартирилаётган, қўшилаётган ва чиқариб ташланаётган сўзлар қўштирноқ ичига олинади (масалан, 5-банддаги «муассасаси» деган сўз «таълим муассасаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин, 8-банд «телекоммуникация воситалари» деган сўзлар билан тўлдирилсин, 10-банддан «хўжалик субъектлари» деган сўзлар чиқариб ташлансин).

71. Жумланинг, илованинг, бўлимнинг, кичик бўлимнинг, бобнинг, банднинг, кичик банднинг, хатбошининг ва х. к.нинг матнини сезиларли ўзгартириш талаб этилса, уларни янги тахрирда баён этиш лозим.

72. Киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар матнида, уларнинг мазмунига қараб, тиниш белгилари ҳам қўшилади (масалан, «ишлар ҳажми,» деган сўзлар «ва бошқалар» деган сўзлар билан алмаштирилсин, «, шунингдек» деган сўзлар билан тўлдирилсин, «сув билан таъминловчи корхоналар —» деган сўзлар чиқариб ташлансин).

73. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг банди ёки кичик банди мавжуд хатбошининг давоми бўлган хатбошилардан иборат бўлса, хатбошиларни ҳисоблаш кириш хатбошисидан бошланади.

Масалан:

«(биринчи хатбоши) 5. Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш турлари қуйидагилардан иборат:

(иккинчи хатбоши) ов;

(учинчи хатбоши) балиқчилик;

(тўртинчи хатбоши) илмий мақсадларда фойдаланиш;».

74. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топишни назарда тутувчи лойиҳанинг иловаси фақат бандлардан иборат бўлади. Бу ҳолатда бандлардан иборат ўз кучини йўқотаётган ҳужжатларнинг рўйхати келтирилади.

75. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни бутунлай ёки кичик бандгача бўлган унинг тузилмавий бирлигигача ўз кучини йўқотган деб топиш зарур бўлган ҳолларда, ушбу ҳужжат бутунлай ёки кичик бандгача бўлган унинг тузилмавий бирлиги ўз кучини йўқотган деб топилади (масалан, қуйидагилар: Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 9 ноябрдаги 426-сон «Ўзбекистон Республикаси Президенти аппарати Назорат инспекцияси ва унинг жойлардаги органлари моддий базасини мустаҳкамлаш масалалари тўғрисида» қарори; Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 12 апрелдаги 123-сон «Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасини ташкил этиш тўғриси-

да»ги қарорининг 1, 2 ва 10-бандлари ҳамда қарорга 1 ва 2-иловалар ўз кучини йўқотган деб топилсин).

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг хатбоши кўринишидаги тузилмавий бирлигини ўз кучини йўқотган деб топиш зарур бўлган ҳолларда, мазкур хатбоши чиқариб ташланади (масалан, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 21 ноябрдаги 402-сон «Хусусийлаштирилган савдо ва хизматлар кўрсатиш соҳаси объеклари фаолиятидаги тартиб бузилиши ҳоллари тўғрисида»ги қарори 3-бандининг иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин).

76. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тегишли тузилмавий бирликлари ўз кучини йўқотган деб топилган тақдирда, кейинги тузилмавий бирликларнинг рақамланиши ўзгармайди.

Хатбоши чиқариб ташланганда кейинги хатбошиларнинг кетма-кетлиги қайта кўриб чиқилади (масалан, 2-банднинг «а» кичик бандида: бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин; олтинчи — ўн иккинчи хатбошилар бешинчи — ўн биринчи хатбошилар деб ҳисоблансин).

77. Агар норматив-ҳуқуқий ҳужжатда битта тузилмавий бирлик мавжуд бўлиб, қолганлари эса ўз кучини йўқотган бўлса, ушбу тузилмавий бирликни ўз кучини йўқотган деб топиш учун бутун норматив-ҳуқуқий ҳужжат ўз кучини йўқотган деб топилиши шарт.

78. Ўз кучини йўқотган деб топилиши зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг рўйхатларига амал қилиш муддати тугаган вақтинчалик тусга эга бўлган ҳужжатлар ёки нормалар киритилмайди.

79. Вақтинчалик тусга эга бўлган муддати тугаган норматив-ҳуқуқий ҳужжат алоҳида нормасининг ёки бутун норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг амал қилиш муддати узайтирилмайди. Бундай ҳолатда, янги норма киритилишини назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг лойиҳаси тайёрланади.

80. Агар ўз кучини йўқотган деб топилиши зарур бўлган бандда ёки кичик бандда тегишли равишда ўз кучини йўқотиши керак бўлган иловага кўрсатма мавжуд бўлса, бунда мазкур тузилмавий бирлик ва унда кўрсатилган илова ўз кучини йўқотган деб топилади (масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 9 январдаги ПҚ–770-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини қисман ўзгартириш тўғрисида» қарорининг 1-банди, шунингдек қарорга 2-илова ўз кучини йўқотган деб топилсин).

Агарда илова бутунлай ўз кучини йўқотган деб топилиши мумкин бўлма-са, бунда илованинг фақат тегишли тузилмавий бирликлари ўз кучини йўқотган деб топилади (чиқариб ташланади).

81. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат тўлиқ ёки қисман ўз кучини йўқотган деб топилса, тўлиқ ёки қисман ўз кучини йўқотган деб топилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тегишли қоидалари ҳам ўз кучини йўқотган деб топилиши лозим.

Илгари қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ўз кучини йўқотган деб топишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат ўз кучини

йўқотган деб топилган ҳолда, илгари қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг амал қилиши тикланмайди. Мазкур қоида норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тузилмавий бирлигини ўз кучини йўқотган деб топишга (чиқариб ташлашга) ҳам татбиқ этилади.

VII боб. Ишлаб чиқувчининг юридик хизмати томонидан лойиҳани ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш

82. Лойиҳа ишлаб чиқувчининг биринчи раҳбари томонидан имзоланишидан олдин ўз юридик хизмати томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, қонунчиликка ва қонунчилик техникасига мос келиши юзасидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилади.

83. Агар лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, қонунчиликка ва қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқ бўлса, юридик хизмат раҳбари томонидан имзоланади. Имзолаш лойиҳанинг ҳар бир бети орқа тарафига имзо қўйиш билан амалга оширилади.

84. Юридик хизмат норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини имзолаш билан бир вақтда ушбу лойиҳа бўйича юридик хизмат раҳбари томонидан имзоланадиган хулоса тайёрлайди.

85. Юридик хизматнинг ҳуқуқий хулосасида қуйидагилар акс эттирилади:

норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқилиши топширилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (топшириқ акс этган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг номи, қабул қилинган санаси, рақами, эълон қилинган расмий манбаси, тегишли модда ёки банд (кичик банд, хатбоши), шунингдек юқори турувчи орган топшириқлари ҳақида маълумотлар (орган номи, топшириқнинг рақами ва санаси, зарур бўлганда, топшириқ берган мансабдор шахс) (топшириқ мавжуд бўлган тақдирда);

лоийҳанинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, қонунчиликка ва қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса.

86. Юридик хизмат бўлмаган тақдирда лойиҳани имзолаш, ҳуқуқий хулосани тайёрлаш ва имзолаш жалб қилинадиган адвокат томонидан амалга оширилиши мумкин.

87. Лойиҳа қонунчиликка ва қонунчилик техникаси қоидаларига номувофиқ бўлса, юридик хизмат лойиҳани тегишли эътирозлар билан қайта ишлаш учун лойиҳани ишлаб чиқиш бўйича масъул бўлган ишлаб чиқувчининг таркибий бўлинмасига қайтаради.

VIII боб. Лойиҳани манфаатдор органлар ва ташкилотлар билан келишиш

88. Лойиҳа юридик хизмат томонидан кўриб чиқилганидан кейин, ишлаб чиқувчи лойиҳани биринчи раҳбар даражасида имзолайди ва кузатув хати билан манфаатдор органлар ва ташкилотларга (кейинги ўринларда

манфаатдор органлар деб юритилади) уни узил-кесил келишиш (имзолаш) учун юборади.

Зарур ҳолларда ишлаб чиқувчи лойиҳани манфаатдор органларга имзолаш учун юборишдан олдин, лойиҳани ушбу органларга олдиндан келишиш ва фикрларини ўрганиш учун юбориш ҳуқуқига эга.

89. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва бюджет масалалари билан боғлиқ лойиҳалар тегишлича Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан, ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ масалалар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан, ташқи сиёсий фаолият билан боғлиқ масалалар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан келишилиши лозим.

90. Атроф-табiiй муҳитга, шу жумладан табiiй ресурслардан фойдаланиш ва атроф-табiiй муҳитни муҳофаза қилишга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган хўжалик ва бошқа фаолиятни тартибга солувчи лойиҳалар Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси томонидан мажбурий давлат экологик экспертизасидан ўтказилади.

91. Рақобатни бевосита ёки билвосита чеклаши ва монополияга қарши қонун ҳужжатлари принципларини бузиши мумкин бўлган лойиҳалар Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасида мажбурий тартибда дастлабки экспертизадан ўтказилади.

92. Ходимларнинг ижтимоий-меҳнат ҳуқуқларига тааллуқли лойиҳалар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилади.

93. Тадбиркорлик субъектларининг фаолияти масалаларига тааллуқли лойиҳалар Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилади.

94. Манфаатдор органлар Вазирлар Маҳкамасининг Регламентида белгиланган муддатларда лойиҳани кўриб чиқиши ва узил-кесил келишиши (имзолаши) шарт.

95. Агар лойиҳа бўйича манфаатдор органнинг таклиф ва мулоҳазалари мавжуд бўлса, у ўзининг таклиф ва мулоҳазаларини хатда асослар билан кўрсатади ва лойиҳани таклиф ва мулоҳазалар билан имзолайди. Бунда имзонинг олдида таклиф ва мулоҳазалар ифодаланган хатнинг санаси ва рақами кўрсатилади.

Лойиҳа бўйича таклиф ва мулоҳазалар хати ишлаб чиқувчига лойиҳа билан бирга топширилади.

96. Хатда асослантирилмаган таклиф ва мулоҳазалар ишлаб чиқувчи томонидан инобатга олинмаслиги мумкин. Асослантирилмаган таклиф ва мулоҳазалар қабул қилинмаслиги оқибати бўйича жавобгарлик, ўз таклиф ва мулоҳазаларини асослантирмаган манфаатдор органнинг биринчи раҳбари зиммасига юклатилади.

97. Лойихага, лойиханинг мазмуни ва тузилмасини жиддий ўзгартираётган мулоҳаза ва таклифлар мавжуд бўлганда, манфаатдор орган ишлаб чиқувчига ўзининг лойиха вариантини таклиф қилиши мумкин. Бунда таклиф этилган лойиханинг варианты манфаатдор органнинг биринчи раҳбари томонидан (истисно ҳолларда — унинг биринчи ўринбосари томонидан) асослаш-хати билан бирга имзоланади.

98. Ишлаб чиқувчи манфаатдор органларнинг таклиф ва мулоҳазаларини кўриб чиқади, зарурат бўлган ҳолларда лойихага тегишли тузатишларни киритади.

99. Манфаатдор органларнинг таклиф ва мулоҳазалари бўйича келишмовчиликлар жадвали тузилади.

Кўриб чиқиш натижаси «қабул қилинди», «қабул қилилмади» шаклида жадвалда акс эттирилади. Қабул қилинмаган таклиф ва мулоҳазалар юзасидан уларни қабул қилмаслик асослари кўрсатилади.

100. Келишмовчиликлар жадвали лойиха билан бирга ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилади.

101. Лойихани имзолаш учун, қоида тариқасида, ишлаб чиқувчининг биринчи раҳбари (истисно ҳолларда — унинг биринчи ўринбосари) ва мавжуд бўлса, манфаатдор органлар раҳбарларининг имзоси билан лойиханинг асли тақдим қилинади. Келишиш жараёнини тезлаштириш зарур бўлганда лойиханинг нусхасига имзо қўйишга рухсат этилади.

102. Лойиха имзолангандан кейин, имзоланган лойиханинг асли барча иловалар билан, шунингдек мавжуд бўлган тақдирда, таклиф ва мулоҳазалар баён этилган хат қоида тариқасида ишлаб чиқувчи масъул вакилининг қўлига берилади.

IX боб. Лойихага илова қилинадиган ахборот ва таҳлилий материалларга қўйиладиган асосий талаблар

103. Ишлаб чиқилган лойихага қуйидаги материаллар илова қилинади: қонуннинг концепцияси баён қилинган тушунтириш хати ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойихасининг мақсадга мувофиқлигини асослашдан иборат бўлган тушунтириш хати;

агар лойиха билан бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган бўлса, қиёсий жадвал;

ўрганилган материаллар матнини илова қилган ҳолда лойихани ҳуқуқий тартибга солиш предмети юзасидан халқаро тартибга солиш тажрибаси ҳақида қиёсий жадвал (қонун ости ҳужжатлар учун — зарур бўлганда);

агар лойиха манфаатдор органлар томонидан таклиф ва мулоҳазалар билан келишилган (имзоланган) бўлса, келишмовчиликлар жадвали, ушбу органларнинг таклиф ва эътирозлари баён этилган хатлар нусхалари;

зарур ҳисоб-китоблар ва кўриб чиқиш материаллари, тақдим этилаётган лойихаларни амалга ошириш оқибатлари баҳоси;

ҳужжат лойиҳасининг ишлаб чиқиши ва келишилиши хронологияси ҳақида маълумот.

Ҳужжат лойиҳасига, лойиҳада келтирилган нормалар билан боғлиқ бўлган бошқа маълумотлар ҳам илова қилиниши мумкин.

104. Тушунтириш хати барча лойиҳалар бўйича ишлаб чиқувчи томонидан тайёрланади ва ишлаб чиқувчининг биринчи раҳбари (истисно ҳолларда — унинг биринчи ўринбосари) томонидан имзоланади.

105. Лойиҳанинг тушунтириш хатида қуйидагилар акс эттирилиши лозим:

лоийҳани ишлаб чиқиш учун асос, шу жумладан ишлаб чиқувчига лойиҳани ишлаб чиқиш топширилган қонунчилик ҳужжатлари ҳақида маълумот, шунингдек агар мавжуд бўлса, юқори турувчи органлар топшириқларининг рақами ва санаси;

кўрилаётган масаланинг ҳар томонлама таҳлили ва объектив баҳоси; лойиҳада назарда тутилаётган мақсад ва вазифалар, шунингдек асосий қоидалар ва уларнинг қисқача асосланиши;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинишининг мақсадга мувофиқлиги, шунингдек уни қабул қилиш ва амалга оширишнинг оқибатлари;

лоийҳани қабул қилинишидан кутиладиган натижалар;

лоийҳанинг предметини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга тааллуқли халқаро тажриба ҳақида ахборот (қонун ости ҳужжатлари учун — зарур бўлган ҳолларда);

ушбу лойиҳанинг қабул қилиниши муносабати билан бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки уларни ўз кучини йўқотган деб топиш зарурияти мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ҳақида маълумот;

манфаатдор органлар номларини кўрсатган ҳолда лойиҳанинг келишилганлиги ҳақида маълумот;

лоийҳада қўлланилган ҳаволаларни асослаш;

лоийҳани амалга ошириш учун молиявий харажатлар ажратилиши зарурлиги ҳақида маълумот;

лоийҳани асослаш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар.

106. Агар ишлаб чиқилаётган лойиҳа билан бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган бўлса, ишлаб чиқувчи томонидан такқослаш жадвали тайёрланади.

107. Такқослаш жадвали қуйидаги учта графадан иборат (мазкур Усулбий кўрсатманинг 1-илоvasи):

ўзгартириш ёки қўшимча киритиш таклиф этилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжат тегишли тузилмавий бирлигининг амалдаги таҳрири;

лоийҳада таклиф этилаётган таҳрир;

киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларни асослантириш.

Такқослаш жадвалида тегишли тузилмавий бирликнинг амалдаги ва таклиф этилаётган таҳрири графалари қуйидаги кўринишда баён этилади:

амалдаги ва таклиф этилаётган тахрир графаларида ўзгартирилаётган сўзлар (рақамлар) «тўқ» шрифт билан ажратиб кўрсатилади;

таклиф этилаётган тахрир графасида кўшилаётган сўзлар (рақамлар) «тўқ» шрифт билан ажратиб кўрсатилади;

амалдаги тахрир графасида чиқариб ташланаётган сўзлар (рақамлар) ва хатбошилар, шунингдек ўз кучини йўқотган деб топилаётган бошқа тузилмавий бирликлар «тўқ курсив» шрифт билан ажратиб кўрсатилади.

Агар лойихада тегишли тузилмавий бирликнинг янги тахрири баён этилса, унда фақатгина ўзгартирилаётган, кўшилаётган, чиқариб ташланаётган сўзлар (рақамлар) ажратилади.

Ўзгартириш киритилаётган ва киритилаётган тузатишларнинг кўринарли бўлишини таъминловчи тузилмавий бирлик билан боғлиқ амалдаги ва таклиф этилаётган тузилмавий бирликларнинг тегишли қисмлари оддий шрифтда келтирилади.

108. Келишмовчиликлар жадвали (норматив-ҳуқуқий ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган лойиха бўйича тайёрланган келишмовчиликлар жадвалидан ташқари) қуйидаги учта графалардан иборат (мазкур Услубий кўрсатмаларнинг 2-илоvasи):

лойиха тегишли тузилмавий бирлигининг таклиф этилаётган тахрири; манфаатдор органларнинг таклиф ва мулоҳазалари; кўриб чиқиш натижалари.

Келишмовчиликлар жадвалининг «Таклиф этилаётган тахрир» графасида таклиф ва мулоҳазалар тақдим этилган лойиханинг тегишли тузилмавий бирлиги акс этирилади.

Келишмовчиликлар жадвалининг «Манфаатдор органларнинг таклиф ва мулоҳазалари» графасида лойиха бўйича ўзларининг таклиф ва мулоҳазаларини тақдим этган орган ва ташкилотнинг таклиф ва мулоҳазалари ёки улар асосида лойиханинг баён этилган тахрири келтирилади.

Келишмовчиликлар жадвалининг «Кўриб чиқиш натижалари» графасида ишлаб чиқувчи томонидан тақдим этилган таклиф ва мулоҳазаларни кўриб чиқиш натижалари кўрсатилади. Агар таклиф ва мулоҳазалар ҳисобга олинса, тегишли таклиф ва мулоҳазалар берилган тузилмавий бирликнинг янги тахрири келтирилади. Агар таклиф ва мулоҳазалар ҳисобга олинмаса, ушбу таклиф ва мулоҳазаларнинг ҳисобга олинмаганлигини асословчи маълумотлар тегишли тартибда келтирилади.

109. Норматив-ҳуқуқий ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи лойиха бўйича тайёрланаётган келишмовчиликлар жадвали қуйидаги тўрт графадан иборат:

ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш таклиф этилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжат тегишли тузилмавий бирлигининг амалдаги тахрири;

лойихада таклиф этилаётган тахрир;

манфаатдор органларнинг таклиф ва мулоҳазалари;

кўриб чиқиш натижалари.

Биринчи иккита графа қиёсий жадвал бўйича баён этилади.

Келишмовчиликлар жадвалининг «Манфаатдор органларнинг таклиф ва

мулоҳазалари» ва «Кўриб чиқиш натижалари» графаларида лойиҳани киритган орган томонидан мазкур Услубий кўрсатмаларнинг 108-бандининг тегишинча олтинчи ва еттинчи хатбошиларида назарда тутилган маълумотлар кўрсатилади.

**Х боб. Лойиҳани Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлигида ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш**

110. Барча манфаатдор органлар билан келишилгандан сўнг ишлаб чиқувчи лойиҳани Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритишдан олдин қуйидагиларни:

қонуннинг концепцияси баён қилинган тушунтириш хати ёки ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг мақсадга мувофиқлигини асослашдан иборат бўлган тушунтириш хатини;

агар лойиҳа билан бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатга ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш назарда тутилган бўлса, қиёсий жадвални;

келишмовчилик жадваллари, агар лойиҳа манфаатдор органлар томонидан таклиф ва мулоҳазалар билан келишилган (имзоланган) бўлса, ушбу органларнинг таклиф ва эътирозлари ифодаланган хатлар нусхаларини илова қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун юборди.

111. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

лойиҳаларни Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунчилик, шунингдек қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги юзасидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказди;

лойиҳаларни уларнинг мамлакатда олиб борилаётган ислохотларнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқлигини, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизимида коррупциянинг келиб чиқишига, бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилишига шароит яратиб берадиган, шунингдек тадбиркорлик субъектлари учун ортиқча маъмурий ва бошқа чекловларни жорий қиладиган қоида ва нормаларни, тадбиркорлик субъектларида асоссиз харажатларни вужудга келтирувчи қоидаларни аниқлаш юзасидан таҳлил қилишни амалга оширади.

112. Лойиҳани ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш Вазирлар Маҳкамасининг Регламентида белгиланган муддатларда амалга оширилади.

113. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этилган лойиҳа барча манфаатдор органлар томонидан уларнинг биринчи раҳбарлари даражасида (истисно ҳолларда — уларнинг биринчи ўринбосарлари) келишилмаган тақдирда, шунингдек у мазкур Услубий кўрсатмаларнинг 110-бандида кўрсатилган ҳужжатлар илова қилинмаган ҳолда тақдим этилган тақдирда, лойиҳа ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмасдан ва таҳлил қилинмасдан ишлаб чиқувчига қайтариб юборилади.

114. Лойиҳани ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш натижаларига кўра Ўзбекистон Республикаси адлия вазири (истисно ҳолларда — вазирнинг биринчи ўринбосари) лойиҳани имзолайди.

Таклиф ва мулоҳазалар мавжуд бўлган тақдирда лойиҳа таклиф ва мулоҳазалар билан имзоланади, мазкур Услубий кўрсатмаларнинг 115-бандида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно. Таклиф ва мулоҳазалар билан имзолаш мазкур Услубий кўрсатмаларнинг 95-бандида белгиланган тартибда амалга оширилади.

115. Ўзбекистон Республикаси адлия вазири (истисно ҳолларда — вазирнинг биринчи ўринбосари) томонидан лойиҳани таклиф ва мулоҳазалар билан имзолаш рад этилиши мумкин, агар у:

лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг нормалари ва принципларига зид бўлса;

лойиҳа юқорида келтирилган юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш, қўшимчалар киритиш, ўз кучини йўқотган деб топишни талаб этса, ва у тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар, қўшимчалар киритиш, ўз кучини йўқотган деб топишни назарда тутувчи лойиҳа сифатида тақдим этилмаган деган хулосага келса.

Лойиҳа бўйича тегишли таклиф ва мулоҳазалар адлия вазири (истисно ҳолларда — вазирнинг биринчи ўринбосари) томонидан имзоланадиган хатда кўрсатилади.

116. Лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилганидан сўнг белгиланган тартибда ишлаб чиқувчи томонидан Вазирлар Маҳкамасининг Регламентида белгиланган тартибда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилади.

XI боб. Яқуний қоидалар

117. Ишлаб чиқувчиларнинг биринчи раҳбарлари мазкур Услубий кўрсатмаларнинг талабларига риоя қилиниши учун шахсан жавоб берадилар.

118. Мазкур Услубий кўрсатмаларни бузилишида айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

119. Мазкур Услубий кўрсатмалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ҳуқуқий экспертиза ва халқаро шартномалар бошқармаси билан келишилган.

*Вазирлар Маҳкамасининг Ҳуқуқий
экспертиза ва халқаро шартномалар
бошқармаси бошлиғи*

Б. ҚЎЧҚОРОВ

2012 йил 30 март

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бўйича Услубий кўрсатмаларга

1-ИЛОВА

НАМУНА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори лойиҳаси бўйича ТАҚҚОСЛАШ ЖАДВАЛИ

Амалдаги таҳрир	Тақлиф этилаётган таҳрир	Асослантириш
<p>4. Мол-мулкни олиб қўйиш тўғрисида ваколатли орган мансабдор шахси томонидан протокол тузилади, унда куйидагилар кўрсатилиши керак:</p> <p>а) тузилган вақти ва жойи;</p> <p>б) протоколни тузган шахснинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми;</p> <p>в) мол-мулк эгаси ва мол-мулк олиб қўйилган шахс тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми, манзили, паспортга оид маълумотлар ва шу кабилар), уларни аниқлаш имконияти бўлмаган ҳоллар бундан мустасно;</p> <p>г) мол-мулкни олиб қўйишда иштирок этган шахслар тўғрисидаги маълумотлар, агар улар бўлса;</p> <p>д) ҳуқуқбузарлик содир этилган жой, вақт ва унинг мазмуни;</p> <p>е) мазкур ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи норматив ҳужжат;</p> <p>ж) ҳуқуқбузарнинг тушунтириш хати;</p>	<p>4. Мол-мулкни олиб қўйиш тўғрисида ваколатли орган мансабдор шахси томонидан протокол тузилади, унда куйидагилар кўрсатилиши керак:</p> <p>а) тузилган вақти ва жойи;</p> <p>б) протоколни тузган шахснинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми;</p> <p>в) мол-мулк эгаси ва мол-мулк олиб қўйилган шахс тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми, манзили, паспортга оид маълумотлар ва шу кабилар), уларни аниқлаш имконияти бўлмаган ҳоллар бундан мустасно;</p> <p>г) мол-мулкни олиб қўйишда иштирок этган шахслар тўғрисидаги маълумотлар, агар улар бўлса;</p> <p>д) ҳуқуқбузарлик содир этилган жой, вақт ва унинг мазмуни;</p> <p>е) мазкур ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи норматив ҳужжат;</p> <p>ж) ҳуқуқбузарнинг тушунтириш хати;</p>	<p>Қўшимчалар қимматли қоғозларни олиб қўйишда ва кейинчалик уларнинг миқдори, турлари ва эмитент ҳақидаги маълумотлари бўйича низолашиш имконияти бўлмаганда баённомани тўғри тузиш мақсадида киритилади.</p>

Амалдаги таҳрир	Таклиф этилаётган таҳрир	Асослангириш
<p>з) олиб қўйилаётган ҳар бир буюмнинг номи ва миқдори, унинг ўзига хос белгилари (оғирлиги, узунлиги ва бошқалар);</p> <p>и) олиб қўйилаётган мол-мулкнинг сақланиши таъминланиши, шу жумладан ҳам буюмларнинг ўзини, ҳам улар вақтинча сақланаётган жойни муҳрлаб қўйиш, агар бу ишлар амалга оширилган бўлса.</p> <p style="text-align: center;">Тўлдирилмоқда</p>	<p>з) олиб қўйилаётган ҳар бир буюмнинг номи ва миқдори, унинг ўзига хос белгилари (оғирлиги, узунлиги ва бошқалар). Қимматли қоғозларни олиб қўйишда олиб қўйилган қимматли қоғозларнинг умумий миқдори, уларнинг тури ва қимматли қоғозларнинг эмитенти тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади;</p> <p>и) олиб қўйилаётган мол-мулкнинг сақланиши таъминланиши, шу жумладан ҳам буюмларнинг ўзини, ҳам улар вақтинча сақланаётган жойни муҳрлаб қўйиш, агар бу ишлар амалга оширилган бўлса.</p> <p>Ваколатли органнинг мансабдор шахси олиб қўйиш тўғрисидаги протокол тўғри тузилганлиги, шунингдек унда ушбу бандда назарда тутилган барча маълумотлар кўрсатилиши учун жавобгар бўлади.</p>	<p>Қўшимчалар мулкни олиб қўйишни олиб борувчи, ваколатли идораларнинг мансабдор шахсларнинг мулкни олиб қўйиш баённомасини кейинчалик уларни амалга ошириш учун тўғри ва ҳар томонлама тузишлари учун жавобгарликларини ошириш мақсадида киритилмоқда. Шунини қайд қилиб ўтиш лозимки, мулкни олиб қўйиш баённомаларида барча керакли маълумотлар, шу билан бир қаторда олиб қўйилган мулкнинг сифатига доир тавсифлар кўрсатилмапти, бу эса ўз навбатида мулкнинг алмашинуви ёки бошқача тарзда ўзгаришига ва шикастланиши учун шароит яратишга сабаб бўлмоқда.</p>
<p>6. Олиб қўйилган мол-мулкнинг истеъмол, фойдаланиш, қайта ишлаш учун яроқлилигини экспертизадан ўтказиш, шунингдек уни баҳолаш мақсадида ваколатли органнинг мансабдор шахси уч сутка мобайнида, тез бузиладиган товарларга нисбатан эса — бир сутка мобайнида эксперт тайинлайди.</p> <p style="text-align: center;">Тўлдирилмоқда</p>	<p>6. Олиб қўйилган мол-мулкнинг истеъмол, фойдаланиш, қайта ишлаш учун яроқлилигини экспертизадан ўтказиш, шунингдек уни баҳолаш мақсадида ваколатли органнинг мансабдор шахси уч сутка мобайнида, тез бузиладиган товарларга нисбатан эса — бир сутка мобайнида эксперт ва баҳоловчинини тайинлайди.</p> <p>Мажбурий сертификатланиши керак бўлган (этил, озиқ-овқат спирти, алкогольли маҳсулотлар, пиво, тамаки маҳсулотлари, дори воситалари ва тиббиёт буюмлари, озиқ-овқатга биоло-</p>	<p>«Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддасига биноан мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулот агарда у сертификатлаштириш талабларига мувофиқ эмаслиги сабабли сертификатлаштиришдан ўтмаган бўлса сотиш тақиқланади.</p> <p>Агарда мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулот хавфсизлик талабларига мос келмаса у сотилиши мумкин эмас ва йўқ қилиниши лозим. Шунинг учун мулкнинг бирхиллаштириш талабларига</p>

Амалдаги таҳрир	Таклиф этилаётган таҳрир	Асослантириш
	<p>гик актив қўшимчалар, озиқ-овқат қўшимчалари бундан мустасно) ва улар бўйича мувофиқлик сертификатлари мавжуд бўлмаган олиб қўйилган маҳсулотлар бўйича ушбу маҳсулотни олиб қўйган ваколатли органининг мансабдор шахси томонидан уни сертификатлаштириш ва белгиланган тартибда мувофиқлик сертификатини олиш учун сертификатлаштириш органига буюртманома берилади.</p> <p>Ишнинг оғирлик даражаси, ҳажми ва туридан қатъи назар, керакли ҳужжатларни топширган вақтдан 10 иш кунидан 1 ойгача муддатда мувофиқлик сертификати расмийлаштирилади ва берилади.</p>	<p>мос келиши предметига қаратилган текширув мулкнинг давлат ҳисобига ўтказилиши ёки йўқ қилиниши ҳақидаги саволларни ҳал қилишдан олдин ўтказилиши лозим.</p> <p>Олиб қўйилган маҳсулот сертификатлаштирилиши олиб бориладиган муддат назарда тутилган.</p>
<p>24. Диний маданиятга тегишли буюмлар (тарихий, бадиний, илмий қимматга эга бўлган, шунингдек таркибида қимматбаҳо металллар ва тошлар бўлган буюмлардан ташқари) диний ташкилотларга далолатнома бўйича бепул берилади.</p>	<p>24. Диний маданиятга тегишли буюмлар (тарихий, бадиний, илмий ва бошқа маданий қимматга эга бўлган, шунингдек таркибида қимматбаҳо металллар ва тошлар бўлган буюмлардан ташқари) кейинчалик далолатнома бўйича диний ташкилотларга текин бериш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмимага берилади.</p>	<p>Ўзгаришлар кўрсатиб ўтилган предметларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмимага кейинчалик диний ташкилотларга бериши мақсадида киритилмоқда.</p>
<p>60. Мол-мулк қийматининг баҳоси (суммаси) қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланади.</p> <p>Бунда, агар сотилган мол-мулк қийматидан давлат органларининг махсус ҳисоб рақамларига чегиришлар амалга оширилган бўлса, у ҳолда қийматнинг тегишли суммаси ушбу органлар ҳисобидан тўланади.</p>	<p>60. Мол-мулк қийматининг баҳоси (суммаси) қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланади.</p> <p>Чиқариб ташланмоқда</p>	<p>Қоплаш пропорционал олиб борилиши тўғрисидаги норма 59-бандда берилган.</p>

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори лойиҳаси бўйича ТАҚҚОСЛАШ ЖАДВАЛИ

Амалдаги таҳрир	Таклиф этилаётган таҳрир	Асослантириш
<p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги 12-сон «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори</p>		
<p><i>3. Бош вазир котибияти, ахборот таҳлил департаментлари ва бошқа таркибий бўлинмалар фаолиятини мувофиқлаштириб боришни таъминлаш, улар ишининг самарадорлигини ошириш ва ижро интизомини мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси аппарати тузилмасига Аппарат Раҳбари лавозими киритилсин. Белгилаб қўйилсинки, Вазирлар Маҳкамаси аппарати Раҳбари мақомига қўра Бош вазир ўринбосарига тенглаштирилади, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.</i></p> <p><i>Белгилансинки, Бош вазир котибияти, ахборот-таҳлил департаментлари ўз ваколатига қирадиган масалалар бўйича — тегишли равишда Бош вазирга ва унинг ўринбосарларига; таъкилий масалалар ва ижро интизومي масалалари бўйича — Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарига бўйсундилар.</i></p> <p><i>Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари зиммасига:</i></p> <p><i>Бош вазир котибияти, ахборот-таҳлил департаментлари ва функционал бўлимлари ишларини мувофиқлаштириб бориш;</i></p> <p><i>Вазирлар Маҳкамаси фармойишлари ва қарорлари лойиҳаларини тайёрлаш ҳамда имзолаш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти котибиятига ва Бош вазирга тақдим этиш;</i></p> <p><i>Вазирлар Маҳкамаси комплекларида ва аппаратнинг таркибий бўлинмаларида Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, фармойишлари ва топшириқларининг бажарилиши бўйича ижро интизомини мустаҳкамлаш;</i></p> <p><i>Бош вазир ўринбосарлари билан биргаликда тегишли аппаратнинг таркибий бўлинмаларига бош мутахассис ва етакчи мутахассис кадрларни танлаш;</i></p> <p><i>аппарат мутахассислари ва ходимларининг иш ва касб малакаси даражасини ошириш, уларни мунтазам равишда аттестациядан ўтказиш масалалари юклансин.</i></p>	<p>Ўз қучини йўқотмоқда</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 9 апрелдаги ПҚ-834-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини қисман ўзгартириш тўғрисида»ги қарорининг 1-бандига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати раҳбари лавозими тугатилиб, ўрнига Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси лавозими киритилган. Ушбу Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорининг 2-банди билан Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси ваколатлари белгиланган.</p>

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бўйича Услубий кўрсатмаларга
2-ИЛОВА

НАМУНА

**Вазирликлар ва идоралар томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат суд-экспертиза муассасаси ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилот томонидан суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори лойиҳасига берилган таклиф ва эътирозлари бўйича
КЕЛИШМОВЧИЛИКЛАР ЖАДВАЛИ**

Таклиф этилаётган таҳрир	Манфаатдор органларнинг таклиф ва эътирозлари	Кўриб чиқиш натижалари
<p>33. Эксперт хулосасида қоидабузарлик сабаблари ва уларни содир этишга имкон берган шароитлар, шунингдек уларни бартараф этишнинг ташкилий-техникавий тавсиялари ҳолатлари кўрсатилиши мумкин.</p>	<p>1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги. Намунавий низомнинг 33-банди куйидаги таҳрирда баён қилиниши таклиф қилинади: «33. Ҳуқуқбузарликнинг содир этилишига қўмақлашувчи ҳолатлар, сабаблар ва шароитлар, шунингдек эксперт хулосасида ўз аксини топмаган ҳолда, уларни бартараф этиш бўйича ташкилий-техникавий тавсиялар экспертнинг алоҳида маълумотномаси экспертнинг хулосасига илова қилиниши мумкин».</p> <p>2. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси. «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Қонуннинг 23-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ иш учун аҳамиятга молик бўлган ва суд экспертнинг ташаббусига кўра аниқланган ҳолатлар хулосанинг мажбурий элементларига дахлдордир, Намунавий регламентнинг 33-бандидаги «ҳолатлар» сўзини чиқариб ташлаш лозим деб ҳисоблаймиз.</p>	<p>Қабул қилинмади. «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Қонуннинг 23-моддасида эксперт хулосасининг тузилиши тартиби белгиланган. Мазкур модданинг учинчи қисми хулосасида ҳуқуқбузарлик сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар, шунингдек уларни бартараф этишга доир ташкилий-техникавий тавсиялар кўрсатилган бўлиши мумкинлиги назарда тутилган. Шунга ўхшаш норма Жиноят-процессуал кодекси 184-моддасининг учинчи қисмида ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 299¹-моддасида берилган. Шу билан биргаликда қайд қилиб ўтиш лозимки, экспертнинг алоҳида маълумотномаси процессуал ҳужжат ҳисобланмайди, бу эса ўз навбатида иш юзасидан далил бўлиб ҳисобланмаслигини билдиради.</p> <p>Қабул қилинди. 33-банд куйидаги таҳрирда баён этилди: «33. Эксперт хулосасида қоидабузарлик сабаблари ва уларни содир этишга имкон берган шароитлар, шунингдек уларни бартараф этишнинг ташкилий-техникавий тавсиялари кўрсатилиши мумкин».</p>

Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат суд эксперти лавозимига тайинлашда аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан берилган таклиф ва эътирозларнинг КЕЛИШМОВЧИЛИКЛАР ЖАДВАЛИ

Таклиф этилаётган таҳрир	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг таклиф ва эътирозлари	Кўриб чиқиш натижалари
Қарор лойиҳаси бўйича		
<p>Номланиши Давлат суд экспертини лавозимга тайинлашда аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида</p> <p>1. Давлат суд экспертини лавозимга тайинлашда аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.</p>	<p>Бутун матн бўйича «лавозимга тайинлашда» деган сўзлар «статус олиш учун» деган сўзлар билан алмаштирилсин.</p>	<p>Қабул қилинмади. «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддаси иккинчи бандига асосан давлат суд эксперти — давлат суд-экспертиза муассасасининг ўз хизмат вазифаларини бажариш тартибидан суд экспертизасини ўтказувчи суд экспертидир. Кўрсатиб ўтилган Қонуннинг 11-моддасига мувофиқ давлат суд эксперти лавозимини олий маълумотга, алоҳида ҳолларда эса ўрта махсус, касб-ҳунар маълумотига эга бўлган, муайян суд-эксперт ихтисослиги бўйича кейинги тайёргарликдан ўтган ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда давлат суд эксперти сифатида аттестациядан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси фуқароси эгаллаши мумкин. Шунингдек, лойиҳанинг номланиши суд экспертизаси тўғрисидаги Қонуннинг амалга оширилиши бўйича Тадбирлар режаси 1 бўлимининг 1-бандига назарда тутилган. Бундан ташқари, таклиф асослангирилмаган.</p>
Низом лойиҳаси бўйича		
<p>18. (Биринчи хатбоши) Мажлис давомида Комиссия ўзининг кўриб чиқиши учун тақдим этилган материалларни ўрганади, аттестация қилинувчига суд-экспертнинг фаолиятини тартибга соладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, суд экспертизасининг назарий асослари, аниқ эксперт мутахассислиги бўйича саволларга жавоб беришни таклиф қилади, шундан кейин унинг махсус билимлари даражасини баҳолайди.</p>	<p>18-банд «амалий» сўзидан сўнг «назарий» сўзлари билан тўлдирилсин.</p>	<p>Қисман қабул қилинди. Суд экспертизасининг амалий асослари мавжуд бўлмаганлиги сабабли «назарий асослар» сўзлари «назарий асослар ва амалий масалалар» сўзлари билан алмаштирилган.</p>

Таклиф этилаётган таҳрир	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг таклиф ва эътирозлари	Кўриб чиқиш натижалари
<p>25. Комиссиянинг қарори асосида эксперт муассасининг кадрлар бўйича бўлинмаси томонидан ходимга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича давлат суд эксперти лавозимига тайинланиши бўйича аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома топширилади. Гувоҳнома Комиссия раиси ва котиби томонидан имзоланади ҳамда гувоҳномани берган эксперт муассасаси муҳри билан тасдиқланади.</p> <p>Гувоҳнома давлат суд экспертнинг малакасини тасдиқлаш мақсадида берилади ва фақат эксперт муассасасининг хизмат гувоҳномаси кўрсатилганда ҳақиқий ҳисобланади.</p>	<p>25-банд. «эксперт муассасасининг кадрлар бўйича бўлинмаси» сўзлари чиқариб ташлансин.</p> <p>Бериш тартиби идоранинг ички ЭККси билан белгиланади.</p> <p>Қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:</p> <p>«Давлат эксперти мақомига эга бўлган эксперт бошқа эксперт муассасасига ишга ўтаётган тақдирда, ўзининг мақомини эксперт-малака комиссиясида янги иш жойи бўйича тасдиқлайди. Шу билан бирга, илгари берилган гувоҳнома бекор қилинади».</p>	<p>Қабул қилинмади.</p> <p>Ушбу бандда ходимларга давлат суд эксперти лавозимига аттестацияни ўтиши ҳақидаги гувоҳноманинг аниқ ким томонидан берилиши саволи қўйилмаган — кадрлар бўйича бўлинма, Комиссия раиси, эксперт муассаса раҳбари ёки ушбу масала ҳар бир эксперт муассасанинг ички иши бўлганлиги учун экспертлик муассасаси тегишли бўлган вазирлик, агентлик раҳбари. Бунда ходимларга топшириладиган гувоҳномани ким тайёрлаши (бериши) назарда тутилган. Шу билан биргаликда лойиҳага ортиқча ҳавола қилувчи норманинг киритилиши мақсадга мувофиқ эмас.</p> <p>Ходимнинг тайёргарлик ва билим даражаси у ишлаш учун ўтган экспертлик муассасасининг талабларига мос келмаслиги мумкин. Шунингдек, битта экспертлик муассасасининг аниқ ихтисослик бўйича эксперт ишининг хусусияти бошқасининг хусусиятларидан фарқ қилиши мумкин. Шунинг учун бошқа экспертлик муассасасига ўтувчи экспертнинг мажбурий тайёргарлиги тартибини белгилаш мақсадга мувофиқ.</p> <p>Бундан ташқари таклиф асослантирилмаган.</p>